Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
« 3 » Январь 2020 йилда
918 - сон билан
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«БЭЛА. Kapalak Bolalar»
Хайрия фонди кенгаши йиғилишининг
2019 йил «25» ноябрдаги баённомаси
билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«KAPALAK BOLALAR»
nodavlat notijorat tashkilotining

У С Т А В И

ТОШКЕНТ – 2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. «Kapalak Bolalar» нодавлат нотижорат ташкилоти (бундан кейин матнда Ташкилот деб юритилади) нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланади ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – Муассасадир.

1.2. Ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.3. Ташкилот ўз фаолиятини ошкорлик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрийлик тамойилларига таяниб олиб боради.

1.4. Ташкилотнинг номланиши:

Ташкилотнинг тўлиқ номи:

- ўзбек тилида кирилл алифбосида: **«Капалак Болалар» нодавлат нотижорат ташкилоти;**
- ўзбек тилида лотин алифбосида: **«Kapalak Bolalar» nodavlat notijorat tashkiloti;**
- рус тилида: **негосударственная некоммерческая организация «Дети-бабочки»;**
- инглиз тилида: **«Butterfly Children» non-governmental non-profit organization.**

Ташкилотнинг қисқа номи:

- ўзбек тилида кирилл алифбосида: **«Капалак Болалар» ННТ;**
- ўзбек тилида лотин алифбосида: **«Kapalak Bolalar» NNT;**
- рус тилида: **ННО «Дети-бабочки»;**
- инглиз тилида: **«Butterfly Children» NNO.**

1.5. Ташкилот жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазар тумани, Қорасарой кўчаси, 353 А -уй.

1.6. Ташкилот жойлашган манзили ўзгарган ҳолда бу тўғрисида уни рўйхатга олган орган хабардор қилинади.

II. ТАШКИЛОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Қуйидагилар Ташкилотнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларидан жабрланаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш;
- оналик, оталик ва болаликни ҳимоялашга кўмаклашиш;
- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларига чалинган беморларни ижтимоий-маданий ва тиббий реабилитация ва абилитация қилиш;
- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, ташҳислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича таълим ва фан соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шакллари касалликларини енгиллатиш ва олдини олиш соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;
- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларидан жабрланаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ва вакилларига ёрдам ва кўмак бериш учун хайрия фаолияти;
- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларига чалинган беморларни даволаш масалаларига, жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилиш;

- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларини олдини олиш ва бу дардларга чалинган беморларни даволашда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

2.2. Олдига қуйилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот қуйидаги вазифаларни бажаради:

- аҳолининг турли қатламларида буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларининг мавжудлиги хавфини баҳолаш мақсадида ташҳислашни, шунингдек, тиббий-биологик, генетик ва ўзга тадқиқотларни ташкиллаштириш ва ўтказишда кўмак бериш;

- беморларга ва уларнинг васийларига ногиронлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича ахборот-маълумот жихатидан ёрдам кўрсатиш ва бепул юридик ёрдам кўрсатилишида кўмаклашиш;

- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларидан жабрланаётган шахсларни ташҳислаш, даволаш, реабилитация, абилитация ва ижтимоий мослаштириш билан боғлиқ ёрдам кўрсатишга қаратилган хайрия дастурлари ва хайрия тадбирларини ташкиллаштириш, қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш;

- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларидан жабрланаётган шахсларга, уларнинг оила аъзолари ва вакилларига исталган шаклда беминнат ёрдам кўрсатиш, шунингдек, шундай беморларга ёрдам кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахсларга грантлар тақдим этиш;

- буллезли эпидермолиз ва ихтиознинг турли шаклларидан жабрланаётган шахсларга даволаниш ва психологик ёрдам олишида кўмаклашиш;

- беморларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишни ўргатишда ёрдам бериш ва беморларни парваришлаш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қоидалари бўйича тажриба алмашишга қаратилган ижтимоий тадбирларни ташкиллаштириш;

- илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ходимларига тайёргарлик, қайта тайёргарлик ва малакасини оширишда кўмаклашиш;

- беморларга даволаниш, реабилитация, абилитация ва ижтимоий мослашувида ёрдам кўрсатиш учун ташкилотларга дори-дармон ва тиббий буюмлар, тиббий ва бошқа ускуналарни харид қилишда кўмаклашиш.

Ушбу Уставнинг 2.1-бандида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

III. ТАШКИЛОТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Ташкилот қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳисобланади.

3.2. Ташкилот фаолият муддати чекланмаган тартибда (номуайян муддатга) тузилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширади.

3.3. Ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналари ва ташкилотлари, Ташкилот таъсисчилари Ташкилот мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Бир пайтнинг ўзида Ташкилот ҳам давлатнинг, давлат органлари, корхоналари ва ташкилотларининг, ўз таъсисчиларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

3.4. Ташкилот ўз фаолияти ва дастурини мустақил равишда белгилайди.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

3.5. Ташкилот ўз фаолиятини мустақил равишда ёки жисмоний, шунингдек, давлат ва нодавлат муассаса, ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Ташкилотнинг фаолияти фақат инсоний қадриятлар тамойилларига асосланади.

IV. ТАШКИЛОТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун Ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш, шунингдек, судда мустақил талаблар қўядиган ва қўймайдиган даъвогар, жавобгар ва учинчи шахс сифатида иштирок этиш;
- ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;
- жамоат ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;
- белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва нашриёт фаолиятини амалга ошириш;
- ўз рамзларини тасдиқлаш;
- ўз фаолияти масалаларида йиғилиш, конференциялар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтадиган ёхуд тегишли ҳудудий адлия органларида рўйхатга олинадиган ўзининг ҳудудий бўлинмаларини тузиш;
- Ўзбекистон Республикаси банкларида, шунингдек, хорижий банкларда миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамлар очиш;
- ўзининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга доир турли масалаларда тегишли маҳаллий ва хорижий эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилиш;
- Ташкилот фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун белгиланган тартибда хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш;
- устав вазифаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик тузилмаларини яратиш ва устав вазифаларига мувофиқ доирада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

Ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

4.2. Ташкилот қуйидагиларга мажбур:

- ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва мазкур Уставга биноан амалга ошириш;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш, жумладан, молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан эркин танишиш имкониятини таъминлаш;
- ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида рўйхатга олувчи органга хабар бериш, шунингдек, рўйхатга олувчи орган вакилига ўтказиладиган тадбирларга кириш имконини бериш;
- ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритиш;
- хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғи билан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олинишини рўйхатга олувчи орган билан келишиш;
- ўзининг фаолияти тўғрисида ҳисоботларни рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиш.

Ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

V. ТАШКИЛОТНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

5.1. Қуйидагилар Ташкилотнинг раҳбар органлари ҳисобланади:

Кенгаш (таъсисчи);

Ташкилотнинг Раиси (ижроия органи).

5.2. Кенгаш Ташкилотнинг Олий бошқарув органи ҳисобланади. Ташкилотнинг Кенгаш йиғилишлари йилда камида бир марта ўтказилади. Ташкилотнинг навбатдан ташқари Кенгаш умумий йиғилиши исталган пайтда:

- Кенгашнинг қарори бўйича;
- Ташкилотнинг ижроия органи қарори бўйича ўтказилиши мумкин.

Кенгашнинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ташкилот уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Ташкилотнинг ижроия органини шакллантириш;
- Ташкилот рамзларини тасдиқлаш ва унга ўзгартириш киритиш;
- Ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ташкилот ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш;
- ваколатхона ва филиалларни, таъсис қилиш, жумладан, уларнинг уставларини ва бошқа таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ижроия органи аъзоларига тўланадиган мукофот суммасини белгилаш;
- ижроия органи, аудиторлик ташкилотининг ҳисоботларини тасдиқлаш ва фаолиятига баҳо бериш;
- Ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботларини, жумладан, ижроия органининг Ташкилотнинг молиявий фаолият бўйича ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Ташкилот кўчмас мулкини Ташкилот тасарруфидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотини тайинлаш тўғрисида, шунингдек, аудиторлик текширувини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- башарти Ташкилотнинг мақсад ва вазифаларига зид бўлса, Ташкилот ижроия органининг қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш;
- Кенгашнинг ваколатлари доирасида бошқа қарорларни қабул қилиш.

5.3. Кенгашнинг карорлари Ташкилот учун мажбурий ҳисобланади.

5.4. Кенгаш қарори билан Раиснинг Кенгаш йиғилишида иштироки мажбурий ҳисобланади.

Кенгаш йиғилишининг кун тартибига Ташкилот фаолияти билан боғлиқ исталган масалалар киритилиши мумкин.

5.5. Кенгаши йиғилишининг натижалари бўйича баённомалар расмийлаштирилади, улар котиб томонидан имзоланади ва Кенгаш Раиси томонидан тасдиқланади.

5.6. Кенгашнинг қарорлари йиғилиш ўтказилмасдан, шунингдек, онлайн конференция воситасида қабул қилиниши мумкин.

5.7. Ташкилотнинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи Ташкилот Раиси Ташкилотнинг ижроия органи ҳисобланади.

Ташкилот Раиси Кенгашга ҳисобдор бўлиб, Ташкилотнинг ушбу Уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

Ташкилот Раиси Кенгашнинг қарори билан уч йил муддатга тайинланади.

5.8. Ташкилот Раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ташкилот фаолиятини унинг устав талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
- Ташкилот фаолиятининг ҳар қандай кундалик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

- давлат, жамоат, халқаро ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар билан муносабатларда Ташкилот манфаатларини ишончномасиз ифодалаш;

- ўз ваколатларидаги масалаларда қарорлар қабул қилиш;

- Ташкилот ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйрук ва фармойишлар чиқариш;

- Кенгаш қарорлари доирасида Ташкилот мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ ҳужжатларни имзолаш;

- Кенгаш билан келишган ҳолда Ташкилот тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган фонди доирасида штатлар жадвалини тасдиқлаш;

- Ташкилот иш режаларини тасдиқлаш;

- Ташкилот номидан шартнома ва битимларни тузиш. Агар шартнома (битим) суммаси, Кенгаш тасдиқлаган лимитдан кўп бўлса, бундай шартнома (битим) фақат Кенгашнинг ёзма розилигидан кейингина тузилиши мумкин;

- Кенгаш билан келишган ҳолда ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш шаклларини белгилаш, мансаб маошларига устама ва қўшимча тўловларни тасдиқлаш, белгиланган тартибда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

- молиявий, ҳисоб-китоб-тўлов ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

- Ташкилот ходимлари ўртасида мансаб вазифаларини тақсимлаш;

- Кенгаш билан келишган ҳолда Ташкилот ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

- Кенгаш қарорлари доирасида Ташкилот мол-мулкини бошқаришга оид қарорлар қабул қилиш, молиявий ва ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларни имзолаш;

- Ташкилот ҳужжатларини лозим даражада сақланиши ва юритилишини таъминлаш;

- амалдаги қонунчилик доирасида Ташкилот мақсадларига эришиш ва вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш, ушбу Уставда назарда тутилган Кенгаш ваколатлари бундан мустасно.

5.9. Ташкилот Раиси фармойиш, буйрук ва ишончномалар орқали ўз ваколатларининг бир қисмини ва вазифаларини бажаришни бошқа шахсларга топшириш ҳақли, бунда Ташкилот Раиси қабул қилинган қарорлар учун шахсан жавобгар бўлади.

5.10. Ташкилот Раисининг ва Ташкилот бошқа ходимларининг фаолият тартиби улар билан тузилган меҳнат шартномалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

VI. ТАШКИЛОТНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ

6.1. Ташкилот тузилмасига унинг алоҳида (ҳудудий) бўлинмалари киради.

Ташкилотнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳудудий бўлинмалари ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ташкилотнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар асосида амалга оширадилар.

6.2. Ташкилотнинг юридик шахс ҳисобланмайдиган ҳудудий бўлинмалари ҳисобга қўйилиши, юридик шахс ҳисобланадиган бўлинмалари эса ҳудудий адлия органларида рўйхатдан ўтиши лозим.

6.3. Ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаларини тузиш, ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, мол-мулкни бошқариш бўйича ҳуқуқлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув органларининг фаолияти ва ваколатлари бўлинмаларнинг низомларида батафсил белгилаб берилади.

6.4. Ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаларига ҳудудий бўлинмаларнинг директорлари раҳбарлик қилади, улар Кенгаш билан келишилган ҳолда Раис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

VII. ТАШКИЛОТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

7.1. Ташкилот ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа тузилмалари ўз мулкчилигида ўз фаолиятини моддий таъминлаш учун зарур бўлган бино, иншоот, уй-жой, ускуна, анжом, пул, шу жумладан, хорижий валютадаги маблағлар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулкка эга бўлишга ҳақли.

VIII. ТАШКИЛОТ МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

8.1. Қуйидагилар Ташкилот пул маблағлари ва мол-мулкини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- кириш бадаллари;
- таъсисчининг бир марталик ва мунтазам тушумлари;
- фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад (фойда);
- юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари;
- давлатнинг ижтимоий буюртмаларини бажариш эвазига белгиланган тартибда ажратилган давлат субсидиялари, грантлари ва маблағлари;
- халқаро ташкилот ва молия идораларининг грантлари ва беминнат ёрдами;
- қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8.2. Барча таҳлилий ҳужжатлар (илмий маъруза ва ҳисоботлар, ахборот маълумотномалари ва ёзишмалар, социологик ва бошқа амалий тадқиқотларнинг натижалари, истиқболни белгилаш ва вазиятлар бўйича баҳолашлар, рефератив, услубий ва директив материаллар, Ташкилотнинг дастурий маҳсулотлари ва маълумотлар базаси), нашрлар, шунингдек, Ташкилот буюртмаси билан бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланган ишлар Ташкилот интеллектуал мулки объектлари ҳисобланади. Ташкилот фаолияти доирасида вужудга келган интеллектуал мулкка бўлган барча ҳақ-ҳуқуқлар ташкилотга тегишлидир.

8.3. Ташкилотнинг мол-мулки гаров ёки мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа шакли сифатида, шунингдек, кредит ажратиш учун ишлатилиши мумкин эмас.

IX. ТАШКИЛОТДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

9.1. Ташкилот ўз фаолияти натижаларининг (тезкор, бухгалтерлик ва статистик) ҳисобини юритади, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди ҳамда белгиланган тартибда рўйхатга олувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистика органларига ҳисоботларни тақдим этади.

9.2. Ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш йилда камида бир марта, аудиторлик ташкилотини жалб қилган ҳолда Кенгаш қарори асосида ўтказилади.

9.3. Аудиторлик текшируви Ташкилот мол-мулки ва маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тўғрилигига қаратилган, шунингдек, унинг натижалари бўйича Кенгашга ҳисобот тақдим этилади.

DAVLAT ... OLINDI

9.4. Ташкилот фаолиятининг аудиторлик текширувига Ташкилотга алокадор бўлган шахсларни жалб қилишга йўл қўйилмайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ташкилот Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш фақат ушбу Уставда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

10.2. Ташкилотни қайта ташкил этиш Кенгашнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10.3. Ташкилот фақат Кенгашнинг қарори ёки суд тартибида тугатилиши мумкин.

Имзолар: _____ Куратова Елена Александровна

_____ Сабитова Анастасия Анатольевна

РАҚАМЛАНГАН, ТИКИЛГАН ВА МУҲРЛАНГАН

___ (_____) _____